Президентлар учрашуви

19 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Давлатлараро Кенгашнинг навбатдаги мажлисида қатнашиш учун Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрига жўнаб кетди. Сафар олдидан мамлакатимиз Президенти оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью бериб, жумладан, шундай деди:

— Маълумки, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Республикалари Абадий дўстлик тўғрисидаги Шартномага имзо чеккан. Бу галги йиғилишда асосий эътибор мана шу муҳим ҳужжатнинг амалий ижросига қаратилади. Мазкур Шартнома доирасида бажарилган ишлар таҳлил қилиниши баробарида муштарак аҳамиятга молик муҳим масалалар юзасидан фикр алмашилади.

Дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган иқтисодий бўҳрон тўғрисида кейинги пайтларда кўп гапирилаяпти. Остонада Қозоғистон ва Қирғизистон Президентлари билан мана шундай инқирозларнинг олдини олиш, уларнинг минтақамизга нисбатан таъсирини юмшатиш йўлларини ҳам муҳокама қиламиз.

Очиғини айтганда, минтақамиздаги барча мамлакатлар мустақил бўлсаларда, ўзаро алоқаларда эскича ёндашувлардан ҳали бутунлай халос бўлинмагани баъзан сезилиб қолади. Мен ўзаро муносабатлар, барча суверен давлатлар орасида бўлганидек, мустаҳкам қарор топиши тарафдориман. Ҳеч кимга сир эмас: Ўзбекистонда кўпгина халқ истеъмоли молларининг баҳоси қўшни давлатлардагига нисбатан анча арзон. Хўш, бу нимани кўрсатмоқда? Масалан, бизда шакарнинг нархи 5 ёки 10 сўмга ошиши билан айрим қўшниларимизда ундан ҳам зиёдга ошади. Бозор иқтисодиёти қонуниятларидан маълумки, қаерда нархнаво қиммат бўлса, маҳсулот ўша томонга қараб оқиб боради. Ўзбекистондаги арзончиликдан қўшниларимиз ана шу мақсадда фойдаланишаётгани ҳам биз учун сир эмас. Остонада бўладиган учрашувда шу масала юзасидан ҳам фикрлашиб оламиз.

Хабарингиз бор, биз чегара қўшинларини ташкил этдик, эндиликда мамлакатимиз сарҳадлари муҳофазасини янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратмоқдамиз. Бироқ айримлар «Ўзбекистон ўз чегараларини ёпиб қўймоқда», деб ортиқча шовшув кўтараётгани ҳам сир эмас. 16 февраль воқеалари бу борада кўраётган чора-тадбирларимиз нақадар тўғри эканини кўрсатди. Мен яна бир бор таъкидлашни истар эдим: чегараларимизни мустаҳкамлашдан кўзланган мақсад, аввало, мамлакатимизга ҳар хил экстремистик кучларнинг суқилиб киришига, сарҳадларимиздан ноқонуний равишда ўтиш, наркотик моддалар олиб ўтилиши ҳолларига чек қўйишдан иборатдир.

Маълумки, 1998 йил якунлари ва 1999 йилда амалга оширилиши мўлжалланган чора-тадбирларнинг асосий йўналишларига бағишланган йиғилишда бир муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди. У ҳам бўлса, биз учун доимо устувор бўлган халқни ижтимоий ҳимоялаш масаласидир. Биз илгари, асосан, макроиқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш ва бошқа қатор иқтисодий йўналишларни устувор деб билар эдик. Лекин жорий йилда халқни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя этишни энг асосий вазифамиз, деб қабул қилдик. Бундан кўзланган мақсад — ислоҳот учун эмас, ислоҳот, аввало, инсон учун, деган қоида ўзининг тўла амалий ифодасини топишини таъминлашдан иборат. Биз ислоҳотларнинг умумий пойдеворини яратиш босқичини ортда қолдирдик. Эндиги вазифамиз навбатдаги устувор босқичларга ўтиб, белгиланган режаларнинг амалда изчил бажарилишини таъминлашдир. Бунинг учун тажрибамиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам етарли.

Пойтахт аэропортида Президент Ислом Каримовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов, Бош вазир Ўткир Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолди.

Кузатувчилар орасида Қозоғистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси У. Ўзбеков ҳам бор эди.

* * *

Шу куннинг ўзидаёқ давлатимиз раҳбари Остона шаҳрига етиб келди. Бу ерда Абадий дўстлик ҳақида Шартномага аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари иштирокидаги навбатдаги мажлис бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев иштирок этди.

Дастлаб Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон Президентларининг тор доирадаги учрашувида уч давлат ўртасида имзоланган Абадий дўстлик ҳақидаги Шартноманинг бажарилишига доир бир қанча масалалар муҳокама этилди.

Шундан сўнг уч мамлакат делегацияларининг кенгайтирилган мажлиси бўлди.

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев мажлисни очар экан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга ва бутун ўзбек халқига шу йил 16 февраль куни Тошкентда террорчилик ҳаракати содир этилиши оқибатида бир қанча бегуноҳ кишиларнинг ҳалок бўлишига олиб келган фожиа муносабати билан ҳамдардлик билдирди. У бундай террорчилик ҳаракати энг аввало Президент Ислом Каримов ҳамда Ўзбекистон мустақиллигига қарши содир этилган, деб ҳисоблашини таъкидлади.

Қирғизистон Президенти Асқар Акаев ҳам Ўзбекистон Президенти ва халқига чуқур ҳамдардлик билдирди.

Кенгайтирилган мажлис ниҳоясида «Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ўртасидаги Абадий дўстлик ҳақидаги Шартноманинг бажарилиши тўғрисида»ги Протокол, шунингдек, «Жаҳонда юз бераётган иқтисодий бўҳронларнинг Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси миллий иқтисодиётига таъсирини юмшатиш мақсадида саъй-ҳаракатларни бирлаштириш тўғрисида»ги Меморандум имзоланди.

Мажлис якунида матбуот анжумани бўлди. Унда Президентлар оммавий ахборот воситалари вакилларининг саволларига батафсил жавоб қайтардилар.

(ЎзА)

Суратда: Тошкент аэропортида кузатиш пайти

Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 20 февраль, шанба • № 22 (24.417).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Ватан муқаддасдир, ҳурлик муқаддас

Йўлбошчимизнинг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 1998 йилги якунлари ва 1999 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузаси муқаддимасида жорий йилнинг 16 февраль куни Тошкентда рўй берган террорчилик ҳаракатларига билдирган муносабатлари халқимизнинг турли қатламлари орасида қизғин муҳокама қилинмоқда.

Хиёнаткорликка қарши жипслик ва бирдамлик!

— дейилди Ўзбекистон Адлия вазирлиги ходимлари умумий йиғилишида. Унда Тошкентда 16 февраль куни содир бўлган фожиали ҳодисанинг туб моҳияти муҳокама қилинди. Бу борада республика адлия ходимларининг вазифалари белгилаб олинди.

Мажлисда сўзга чиққанлар мазкур террорчилик ҳаракати ташкилотчилари ва иштирокчиларининг қилмишларини кескин қоралаб, алоҳида таъкидлаб ўтишдики, мустақиллигимизни кўролмаётган, имон ва диёнатни унутган бундай кимсалар, албатта қўлга олиниши ва қонун олдида жазоларини тортиши зарур!

Сирожиддин РАУПОВ

Президентимизни қўлладилар

Наманган вилоят фаоллар йиғилиши пойтахтда юз берган ёвузлик ва унинг сабоқларига бағишланди. Вилоят ҳокими Тўлқин Жабборов ва бошқа сўзга чиққанлар ғанимлар хатти-ҳаракати истиқлол ғалабасига, халқимиз жипслигига халал беролмаслигини таъкидладилар. Наманганликлар юртбошимиз раҳнамолигига чин дилдан ишонадилар ва истиқлол ғояларига ҳамиша содиқлар, дейилди йиғилишда.

Йиғилиш қатнашчилари вилоят аҳли номидан Ислом Каримов номига садоқат ва ишончларини ифодалаб мурожаатнома йўлладилар.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Мазрифий ишларни яхшилаш лозим

Қорақалпоғистон Республикаси фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси депутатлари, шаҳар ва туманлар ҳокимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, вазирликлар,идоралар,бошқармалар, бирлашмалар,фуқаролар йиғинлари, хўжаликлар, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

Бу ҳаракат халқимизни янада хушёрликка чорлади. Жойларда маънавият-маърифат марказлари ишларини яхшилаш, тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш талаб қилинади.

Фаоллар йиғилишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Темур Камолов шу кунги вазифалар ҳақида гапирди.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Юраклар жунбушга келди

Айрим ғаламислар халқимизнинг тинч-осойишта ҳаётига раҳна солишди. Улар ўз ёвуз ниятларини амалга ошириш учун қабиҳлик йўлини танлашиб, мустақил юртимиздаги барқарорликни издан чиқаришга уринган бор гап.

Эртанги куннинг ойдин ўйи бизни теран фикрлашга, ёвуз ниятли шахслар тузоғига илинмасдан, уларга ўз вақтида зарба беришга ундайди. Элим, юртим, ватаним, оилам деб юрган ҳар биримиз ҳурматли Президентимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламиз.

Ислом УСМОНОВ, «Меҳнат» нашриётининг «Илм» таҳририяти мудири

Учувчилар сўзи

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси меҳнат жамоаси вакилларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 16 февраль куни пойтахтимизда рўй берган мудҳиш воқеаларнинг туб моҳияти, шу муносабат билан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

Йиғилишда таъкидланганидек, содир этилган жиноят аввало Юртбошимизга, мустақиллигимизга ва эртанги порлоқ келажагимизга ғаламисликдан бошқа нарса эмас. Само лочинларимиз Йўлбошчимиз раҳбарлигида порлоқ келажакни қуриш йўлида ўз меҳнатларини аямасликларини ва мустақиллигимиз тенгдоши бўлган миллий авиакомпаниянинг жаҳон узра парвозлари янада баланд бўлишини билдирдилар.

Алишер РЎЗИЕВ

Болаларимиз қулгуси жаранглайверсин

Мен 155-болалар боғчасида мудира бўлиб ишлайман. Ҳар куни эрталаб Яратгандан мен бошқараётган болалар боғчасида тарбияланаётган юздан ортиқ ўғил-қизларга омонлик сўраб, ота-онасига эсон-омон топширишни илтижо қиламан.

Президентимизнинг болаларимизни ҳеч кимга бермаймиз, деган гапларини эшитиб, кўзларимдан ёш чиқиб кетди.

Тасаввур қилинг, соат 11.50 да 6 гуруҳда 96 жажжи болаларга тушлик овқат берилаётган эди. Бирдан дераза, эшиклар бузилиб, ойналар учиб туша бошлади. Ўзимнинг бир қиз-бир ўғлим бор. Лекин мен шу даврда ўзимда пайдо бўлган кучга ҳайрон қолдим. Гуруҳлардаги болаларни тарбиячилар бошчилигида ҳовлига олиб чиқдик. Ҳаммаёқни болалар, йиғиси босиб кетди. Аммо саросимага берилмадик. Жамоамиз болаларни тезда овунтирди.

Боғча биносига қараб болаларнинг йиғисини, тарбиячилар, ходимларнинг қўрқувини эслар эканман, илоҳим уруш, фитна балосидан асрасин деб илтижо қиламан.

Ўйлайманки, бугунги синов «тинчлик» сўзининг нақадар азизлигини эслатди. Ҳар куни тинч-омон ишга бориб, болаларнинг қувноқ кулгусини эшитиш қанчалик қимматли эканини яна бир бор ҳис қилдим.

Моҳирахон ТОШХЎЖАЕВА, Яккасарой тумани.

Тинчлик қадри

16 февраль куни пойтахтимизда бўлган мудҳиш ҳодиса юзасидан Тошкент Давлат техника университетида ўқитувчи ва талабалар йиғилиши ўтказилди. Президентимиз телевидение экранида хотиржам гапирганларини кўрган ёшлар ғанимлар ҳеч қачон бизни чўчитолмайди мазмунидаги ғурур билан йўғрилган дил сўзларини таъкидладилар. Дарҳақиқат, осуда диёримизда бўлган бундай воқеа бизнинг хотиржамлигимизга халал бермагай.

Йиғилиш аҳли қурбон бўлганларнинг оилаларига ёрдам кўрсатиш ҳисоб рақамига 200 минг сўм миқдорида пул ўтказишга қарор қилди.

Малик ЁҚУБОВ

Мард бўлсанг майдонга чиқ

Ўзбек ҳамиша мард ва танти! Ҳар қандай адоватни, ошкора ҳал эта ди, адолат ўрнатади. Юртимизда 40 мингдан кўпроқ ўғил-қиз каратэ билан шуғулланмоқда. Буюк келажак сари собит одимлаётган Ватанимиз, халқимиз ютуқларини ҳимоя қилишда биз ҳам ҳамиша камарбастамиз. Пана-панадан туриб Йўлбошчимиз, ватандошларимиз ҳаётига суиқасд уюштиришларига йўл қўймаймиз!

Нурхон НАФАСОВ, Ўзбекистон каратэ миллий федерацияси президенти

Хатлар. Шошилинчномалар

Истиқлол биз учун ҳаёт-мамот

16 февраль куни Тошкентда содир этилган разиллик, Президент Ислом Каримов ҳаётига суиқасд, юртбошимизнинг шунга муносабат билдириб телевидение орқали айтган фикрлари халқимизни ларзага солди.

Ёвуз ниятли кимсалар ҳеч қачон Аллоҳнинг жазосидан қочиб қутула олмайди. Вақти-соати келиб, уларга ўзлари топтаган заминдан бир парча ер ҳам буюрмайди. Эл-улус қарғиши оғир бўлади.

Йўлбошчимизга Яратгандан узоқ умр, юртимизга тинчлик-осойиш тилаб:

Мусаллам ая ТЎРАБОЕВА (104 ёшда), Муҳаррам ая НУРИДДИНОВА (102 ёшда) Бойсун тумани.

* * *

Қани энди, дунёда биронта ҳам етим бўлмаса, ҳар бир бола ўз ота-онаси қучоғида униб-ўсса! Тошкентда содир этилган қўпорувчилик натижасида кимдир отасидан, қимдир онасидан жудо бўлди. Етимлик мусибати бошига тушди. Шундай кулфатга, бегуноҳ болалар кўз ёшига сабабчи бўлган, уларнинг кўнглини кемтик қилган жаҳолат бандаларига Аллоҳнинг абадий лаънати бўлсин!

Қимматли Ислом ака!

Биз Сиз каби халқпарвар раҳнамо, кундан-кунга яшнаб бораётган она-Ватан учун жонимизни беришга ҳам тайёрмиз!

Сизга мустаҳкам соғлиқ, битмас-туганмас куч-ғайрат тилаб қолувчи:

Ориф ШАРИПОВ, Қарши шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй

* * *

Президентимиз ҳаётига тажовуз қилишганини эшитиб, қўрқиб кетдим. Кечқурун Ислом Каримовнинг айтган гапларини телевизор орқали диққат билан тингладим. Ўзбекистоннинг ҳамма болалари — менинг болаларим, дедилар. Шунда кўнглим тўлиб кетди, кўзларимга ёш келди.

Отам: «Бугунги ҳаёт ўз-ўзидан бўлиб қолгани йўқ! Ризқу насибамизни қирқмоқчи бўлганлар қарғишга учрайди!» — дедилар.

Онам: «Қанча одам ўлган, қанча бола етим қолган! Етимларнинг кўз ёши кўр қилади уларни!» — дедилар.

Шунда катта бўлмаганимга ўкиндим. Катта бўлганимда, Алпомишдай ўзим душманларнинг додини берардим!

Шерзод ОМОНОВ, Навоий шаҳридаги 17-ўрта мактабнинг 3- «б» синф ўқувчиси

Тиз чўктириб бўлмас Ўзбекистонни

Номардлар қавмига мард кўкси нишон,
Бахиллар ҳамиша сахий пайида.
Зиёдан ажалдай қўрқар зимистон,
Қўрқоқлар курашда билмас қоида.

Майдонга чиқмоққа оёғи титраб,
Ортдан тош отишга ўрганган каслар —
Коридан ажабга тўлма, мағрур қалб,
Не тонг, тубанлигин қилади пастлар.

Кеча юртбошини нишонга олган,
Билки, қасд айламиш менинг жонимга.
Унинг сиймосида ўқ отмоқ бўлган
Менинг ғуруримга, эрк, имонимга.

Азалдан султонлар қисмати оғир
Ватани, халқига кўкси қалқондир.
Халқи унга қалқон бўлмаса ахир
Ғурур ҳам поймолдир, юрт ҳам пайҳондир.

Мутелик занжирин чил-парчин қилиб
Кўкрагини тоғдай кўтарган Ватан,
Ғурурин дунёга байроқдай илиб
Мадад олар буюк Темур руҳидан.

Ватан муқаддасдир,
Ҳурлик муқаддас.
Юртдошим, ҳурликка тикканмиз жонни.
Ёвузларнинг чиркин нияти абас,
Тиз чўктириб бўлмас Ўзбекистонни!

Ҳабиб САЪДУЛЛА

Чуқур ҳамдардлик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич!

Тошкент марказида юз берган ҳамда қурбон ва вайронгарчиликларга сабаб бўлган портлашлар ҳақидаги фожиали хабар ғазабимизни уйғотди.

Бу террорчилик ишини носоғлом кучлар мамлакатингиздаги ижтимоий-сиёсий барқарорликни бузишдек ғаразли мақсадда амалга оширган. Жиноятчилар ўзларининг бундай иш усулларини сайёрамизнинг жуда кўплаб нуқталарида синовдан ўтказишган.

Афсуски, террорчилик муаммоси оламшумул маъно касб этиб бормоқда ҳамда уни жаҳон ҳамжамиятчилигининг барча аъзолари ўз саъй-ҳаракатларини бирлаштирган ҳолдагина ечиши мумкин.

Украина террорчилик ҳаракатларини кескин қоралайди ҳамда манфаатдор мамлакатларнинг бундай ҳаракатларга барҳам беришга қаратилган фаолиятида энг фаол иштирок этишга тайёр.

Украина халқи ва шахсан ўз номимдан бу ёвуз фаолият қурбони бўлганларнинг оила аъзоларига самимий таъзия изҳор этаман ҳамда портлашлар натижасида жароҳат кўрганларнинг тезда соғайиб кетишини тилайман.

Муҳтарам Ислом Абдуганиевич, Сизга мана шу оғир пайтда бардамлик тилайман. Ўзбекистон Сизнинг раҳбарлигингизда бундан буён ҳам ўзбек халқининг фаровонлигини ошириш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар йўлида олға қараб боравершига аминман.

Камоли эҳтиром билан,
Леонид КУЧМА,
Украина Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби олийларига

Жаноби олийлари,

Биз бир гуруҳ жиноятчилар томонидан Сизнинг ҳаётингизга уюштирилган суиқасд ҳақидаги хабарни ташвиш ва ғазаб билан қутиб олдик. Бу — тинчлик ва барқарорлик душманлари томонидан номардларча амалга оширилган манфур ҳаракатдир. Қодир ва раҳмдил Оллоҳ Сизни зиён-заҳматдан асраб қолгани ҳақидаги хабар барчамизга улкан мамнуният бахш этди.

Фурсатдан фойдаланиб, барчамизнинг вазифамиз террорчиликнинг ҳар қандай шаклига қарши курашдан иборат эканини алоҳида таъкидламоқчиман.

Сиз Жаноби олийларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, қардош Ўзбекистон халқига эса тинчлик, тараққиёт ва равнақ тилайман.

Шаҳобиддин АҲМАД,
Бангладеш Халқ Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби олийларига

Тошкентда юз берган даҳшатли террорчилик ҳаракатлари ҳақидаги хабарни эшитиб, жуда қайғуга тушдим.

Биз — исроилликлар террорчилик ҳаракати даҳшатлари билан жуда яхши танишмиз ҳамда мана шу қайғули ва оғир пайтда Сиз билан биргамиз, қайғунгизга шерикмиз. Биз, шунингдек, Сизнинг бутун дунёда давлат тузуми ва тинчликнинг асосларига хавф солаётган террорчиликка қарши кураш борасидаги саъй-ҳаракатларингизни қўллаб-қувватлаймиз.

Камоли эҳтиром билан,
Эзер ВЕЙЦМАН,
Исроил Давлати Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби олийларига

Жаноби олийлари,

Тошкентни қайғуга солган қабиҳ суиқасд ҳақидаги хабарни чуқур изтироб билан эшитдим.

Сизни асраб қолган Оллоҳ таолога шукрлар дейман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, Сизни ишонтириб айтаманки, Жазоир халқаро ҳамжамият ва мамлакатингиз билан халқларимизнинг ҳаётий манфаатларига таҳлика солаётган террорчиликка қарши курашда ҳамкорлик қилишга тўлиқ тайёрдир.

Шунингдек, Сизга ушбу суиқасд қурбонлари учун ўзимнинг таъзиямни изҳор этаман ҳамда уларнинг оилаларига ҳамдардлигимни етказишингизни сўрайман.

Лиамин ЗЕРУАЛ,
Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президент

(Давоми 2-бетда)

Муқобил хизмат ҳам шараф

Ундан бўйин товлаш эса жиноий жавобгарликка олиб келади

1973 йил туғилган С. Э. суд залидан уч ой қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Балки бу биров учун саросимага тушадиган хабар эмасдир. Аммо... Гап шундаки, бу жазога лойиқ топилган С. Э. ўз қилмишлари учун қамалиш у ёқда турсин, дурустроқ маъмурий чора белгиланишини ҳам хаёлига келтирмаган бўлиши мумкин. Чунки, иш жойига вақтида бормаслик, меҳнат интизомига риоя қилмасликни баъзилар оддий ҳол деб ўйлашади. Нари борса, раҳбардан сўкиш эшитиш ё ишдан ҳайдалиб кетиш мумкин, холос дейишади. С. Э. ҳам шундай ўйда бўлгани аниқ. Йўқса, аввал бу иши учун маъмурий чора кўрилганига қарамасдан боқи беғам юрармиди? Балки ота-оналаридаги бефарқлик унга далда бўлгандир? Бироқ, у бир нарсада адашаётган эди. Унинг иш жойи айни пайтда ҳарбий хизмат жойи эканлигини тушуниб етмаганди. Аслида у мажбурий ҳарбий хизматнинг муқобил турини ўтаётган бўлиб, ундан бўйин товлаш қонунларимизга кўра жиноят саналади. Шунингдек, бу Ватан олдидаги бурчини унутиш ҳамдир.

Тўғри, ҳар бир холис одамнинг С. Э. га раҳми келиши тайин. Чунки у кўпчиликка хос бепарволик ва ҳуқуқий саводсизлик туфайли бу жазога гирифтор бўлди. Агар унинг ота-онаси, маҳалла-қўйи ҳарбий хизматдан бўйин товлашнинг оқибати нималарга олиб келиши мумкинлигидан яхшироқ хабардор бўлганида, яна бепарволик касали билан бир йигитнинг тадқирини ўз ҳолига ташлаб қўймаганларида эди, бу ҳолат юз бермасди. Афсуски, эрта ё индин С. Э. нинг аҳволига тушиб қолиши мумкин бўлган ёшлар орамизда бор.

Бу ҳолнинг олдини олиш учун ҳаммамиз масъулмиз. Аммо, ким бу ҳақда ўз ташвишидан ортиб ўйлаб кўряпти? Балки кимдир бу ишни фақат ҳуқуқ-тартибот идораларига ағдарар. Лекин, биргина улар кўрган чора-тадбирлар бу муаммога ечим бўла олмайди. Чунки, биз ҳар йили муқобил хизматдан бўйин товлаб юрганларнинг кўпини излаб топиб, уларга тегишли огоҳлантириш беряпмиз. Ҳатто маъмурий, жиноий иш қўзғатишимизга ҳам тўғри келмоқда. Судда уларга тегишли жазолар ҳам кўрилмоқда. Масалан, 1973 йил туғилган П. А. 1995 йилда институтни тугатган бўлишига қарамасдан яна узоқ вақт Тошкент архитектура институтида ўқиши ҳақида қалбаки ҳужжат кўрсатиб келганлигини аниқлаб, унга нисбатан жиноий иш қўзғадик. Суд уни иш ҳақининг 30 фоизини давлат фойдасига ўтказиш шарти билан уч йиллик ахлоқ тузатиш ишига жўнатди.

Ёки 1978 йилда туғилган А. Л., 1972 йилда туғилган Д. А., 1977 йилда туғилган Ш. З. ҳамда 1977 йилда туғилган Д.Н. каби ёшлар ҳам белгиланган муқобил хизмат жойига бормай юрганлиги учун аввал маъмурий жавобгарликка тортилган эди. Бироқ, бу ўзига хос огоҳлантиришдан улар тегишли хулоса чиқариб олмасдан, ўзбошимчаликларини давом эттиравериши, оқибатда биз жиноий иш қўзғашга мажбур бўлдик. Суд эса уларга 18750, 37500, 33 минг ва 44 минг жарима белгилади.

Ҳуқуқ-тартибот органларида тегишли ишлар амалга оширилаётганлиги барчага маълум. Аммо, бу охирги ечим эмаслиги ҳам ҳаммага аён. Агар бир ўспирин дастлабки қонуний жазодан кейин жиноятни такрорлаётган экан, демак жазонинг моҳияти унга етиб бормаган. Ҳуқуқ-тартибот идораларининг чора-тадбирлари ўз таъсирини етарли даражада кўрсатмаган.

Хўш, унда нима қилиш керак? Ўйлаймизки, бунақа саволларнинг жавоби ягона — тўғри тарғибот, тўғри ташвиқот, тўғри тарбия. Бу ишда эса энг катта куч аввало маҳалла-қўй саналади.

Зеро, бугунги мақоладан мақсадимиз ҳам ёшларнинг ҳарбий хизматдан бўйин товлашлари жиноят эканлигини, муқобил хизмат ҳам ҳарбий хизмат саналишини яна бир бор эслатиб ўтиш, бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари амалга ошираётган ишлар самарасиз кетмаслиги учун ота-оналарни, кенг жамоатчиликни эътиборлироқ бўлишга ундашдан иборат.

Баҳриддин ТУРСУНОВ,
Тошкент шаҳар Миробод тумани прокурори ўринбосари.

Чуқур ҳамдардлик

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизга қарши уюштирилган суиқасд ҳақидаги хабарни катта ташвиш ва ҳаяжон билан кутиб олдим. Юз берган бу жоҳилона ишдан ўзимнинг қаттиқ қаҳру ғазабимга тушганлигимни билдираман ҳамда суиқасд ташкилотчилари, унинг механизм ва иштирокчилари топилиб, жиноятчилар ҳақиқий жазосини олишига қатъий ишонч изҳор этаман.

Ҳар қандай давлатдаги барқарорлик ва фаровонликка хавф солиб, унда ҳуқуқий нигилизм уруғларини сочувчи сиёсий террорчиликка қарши курашнинг самарали усулларини биргаликда ишлаб чиқиш лозим, деб ўйлайман.

Тангри бу жиноий ниятнинг амалга ошишига йўл қўймагани учун унга шукроналар айтиб, Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик ҳамда ўта масъул ва машаққатли фаолиятингизда бахт-саодат ва муваффақиятлар тилайман.

Камоли эҳтиром билан,
Роберт КОЧАРЯН,
Арманистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

1999 йил 16 февраль куни Тошкентда юз берган ҳамда қурбонларга сабаб бўлган террорчилик ҳаракатлари муносабати билан Белорусь Республикаси халқи ва шахсан ўз номимдан самимий таъзияларимни қабул этишингизни сўрайман.

Экстремистик кучларнинг Ўзбекистондаги тинч жараённи бузишга бўлган ҳаракатларининг ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан олди олинишига ишончим комил.

Ўзбекистон ва ўзбек халқига чин юракдан тинчлик, равнақ ва миллий тотувлик тилайман.

Камоли эҳтиром билан,
Александр ЛУКАШЕНКО,
Белорусь Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг ҳаётингизга қарши уюштирилган суиқасд ҳақидаги хабар мени қаттиқ ғазабга солди. Мен бу террорчилик ишини дўст Ўзбекистондаги вазиятни издан чиқариш, энг аввало, Сизнинг номингиз ҳамда Сизнинг доно раҳбарлигингиз ва мардона фаолиятингиз туфайли республика халқи манфаати йўлида амалга оширилаётган улкан ўзгаришларни ортга буриб юборишга уриниш сифатида баҳолайман.

Бошқирдистоннинг кўп миллатли халқи ва шахсан ўз номимдан республикаларимиз ўртасида ҳаётнинг барча соҳаларидаги ўзаро икки томонлама ҳамкорликнинг янада мустаҳкамланиши ва ривожланишидан умид билдиришга, Сизга эса сиҳат-саломатлик ҳамда Ўзбекистон Президенти лавозимидек масъулиятли ишингизда муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз. Бундан кейин ҳам ана шундай жасур бўлиб қолаверинг ва ҳеч қачон ҳеч кимга бўйин эгманг, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич. Мана шу оғир дамларда Бошқирдистон аҳолиси сиз билан якдилдир.

Муртазо РАҲИМОВ,
Бошқирдистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби олийларига

Бугун мен Тошкентда юз берган бомба портлашлари ҳақидаги хабарни эшитиб, қаттиқ ғазаб ва ташвишга тушдим. Шу муносабат билан ҳалоқ бўлган ва жароҳат олганларнинг оилаларига чуқур таъзия билдираман. Бундай ёвузлик хатти-ҳаракатлари қаттиқ қораланиши зарур. ЮНЕСКО ва ўз номимдан Сизга мамлакатингизда тинчлик ва осойишталик ўрнатиш борасидаги барча саъй-ҳаракатларингизни тўла қўллаб-қувватлашимни изҳор этаман. Бугунги йўқотиш ва дардли кунларингизда биз тинчлик маданиятини ўрнатиш ва зўравонликка қарши кураш борасидаги ўз мажбуриятларимизга содиқ эканлигимизни маълум қиламан.

Камоли эҳтиром билан,
Федерико МАЙОР,
ЮНЕСКО Бош директори

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Буюк шахснинг жасорати тарихнинг шундай қучики, ёвузлик унга қарши зимдан туриб ҳужум қилади ва айни пайтда террорчилар бу йўлда бегуноҳ инсонлар қурбон бўлишини ҳисобга олмайди.

Жиноятчилар ўзларининг қабиҳликларидан даҳшатга тушиши даргумон, лекин шуни тасдиқлашим мумкинки, Сизнинг номингизга эса бутун дунёнинг диққат-эътибори ва бирдамлиги қаратилган.

Эҳтиром билан,
Чингиз АЙТМАТОВ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби олийларига

Муҳтарам Президент жаноблари,

Америка халқи 16 февраль куни Тошкентда рўй берган фожиали воқеалар ҳақидаги хабарни эшитиб қаттиқ қайғуга тушди. Мен ўз номимдан ҳам, ҳукуматимиз номидан ҳам Сизга Ўзбекистонда мана шундай даҳшатли воқеалар содир бўлгани муносабати билан чуқур ҳамдардлигимни, қурбонлар ва жароҳатланганларнинг оила аъзоларига эса таъзияларимни изҳор этаман.

Камоли эҳтиром билан,
Жозеф ПРЕСЕЛ,
Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби олийларига

Жаноби олийлари,

Мана шу қайғули кунда Сизга ва Ўзбекистоннинг барча халқига ўзим ва Буюк Британия Қироличаси Жаноби олиялари ҳукумати номидан чуқур таъзия изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ҳафта бошида Тошкентда юз берган воқеалардан барчамиз ларзага тушдик. Бизнинг фикр, илтижою дуоларимиз қурбонлар ҳамда ҳалок бўлган ва жароҳатланганлар оилаларига қаратилган.

Британия ҳукумати қаерда юз беришидан қатъий назар, бундай ҳатти-ҳаракатларни кескин қоралайди.

Барбара ХЕЙ,
Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби олийларига

Президент Жаноблари,

Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча ватандошларим қатори мен ҳам 16 февраль куни содир этилган ва ўзбек халқини қаттиқ ларзага солган ҳамда шахсан Сизга қаратилган суиқасд ҳақидаги хабарни эшитиб жуда афсусландим. Кўплаб айбсиз қурбонлар, оғир жароҳат олганлар бўлди. Уларнинг оиласи мотамда. Мен уларнинг қайғу ва изтироблари олдида бошимни эгаман.

Айни пайтда шуни айтишни ҳам лозим деб ўйлайманки, ўзбек халқининг хотиржамлиги, оғир-босиқлиги ҳамда ўз мамлакатининг келажаги йўлидаги ишларини давом эттиришдаги интилиши таҳсинга сазовор.

Мана шу мусибатли пайтда Ўзбекистондаги французлар жамоаси ва ўз номимдан Сизга эҳтиромимни баён қилишни ҳамда Сиз орқали жабр тортган оилаларга таъзияларимни изҳор этишни истардим.

Президент жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилишингизни сўрайман.

Жан-Клод РИШАР,
Франциянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби олийларига

Жаноби олийлари,

Мана шу қайғули кунда Сизга ва Ўзбекистоннинг барча халқига ўзим ва Буюк Британия Қироличаси Жаноби олиялари ҳукумати номидан чуқур таъзия изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ҳафта бошида Тошкентда юз берган воқеалардан барчамиз ларзага тушдик. Бизнинг фикр, илтижою дуоларимиз қурбонлар ҳамда ҳалок бўлган ва жароҳатланганлар оилаларига қаратилган.

Британия ҳукумати қаерда юз беришидан қатъий назар, бундай ҳатти-ҳаракатларни кескин қоралайди.

Барбара ХЕЙ,
Буюк Британия ва Шимолий Ирландия бирлашган қироллигининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси

1999 йил — Аёллар йили

Табаррук онахонга эҳтиром

Халқимизнинг «Қари бор уйнинг зари бор» деган сўзларида бир олам маъно ва мазмун мужассам. Тошкент шаҳрининг Миробод туманида истиқомат қилувчи 103 ёшли онахон — Фотима ая Умрзоқова хонадони ҳам ўзгача файз-барокатга эга. Шу боис аянинг уч фарзанди, ўттиздан кўпроқ невараси, саккиз эвараси ва бир чевараси доимо унинг атрофида парвона. Фотима ая эса бугунги дориломон кунларни аввало халқимиз раҳнамоси — Президент Ислом Каримов шахси билан боғлайдилар.

Яқинда Фотима ая давлатимиз раҳбарига олиб борилаётган оқилона сиёсат, эл-юрт фаровонлиги йўлидаги саъй-ҳаракатлари, фуқароларга ва айниқса қарияларга ғамхўрлиги учун миннатдорлик хати ёзган эдилар. Унда юз ёшдан ошган аянинг Йўлбошчимизга оналарга ҳурмат, шундай нурафшон

кунлардан шукроналик сўзлари, самимий дуолари ифодаланган. Фотима ая 1999 йилнинг Аёллар йили деб эълон қилиниши мамлакатимизда аёлларга, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилаётган юксак эътибор намунаси эканлигини айтадилар.

Фотима аянинг дил сўзлари Президентимизда фарзандларча севинч уйғотди ва Юртбошимиз аяга жавоб мактуби йўллади. Ислом Каримов узоқ ва машаққатли ҳаёт йўлини босиб ўтиб, шу ёруғ кунларга етиб келган табаррук онахоннинг шукронаси ҳар қандай кишини қаттиқ ҳаяжонга солишини таъкидладилар.

«Сиз каби мўътабар, фарзандларига бахту саодат, халқига озодлик, юртига ободлик тилаб, ҳамиша дуога қўл очиб ўтирган табаррук онахонларни бошимизга кўтаришга тайёрмиз. Сизлар туфайли Она деган азиз ном янада муқаддас, янада улуғвор, янада илоҳий бўлиб туюлади», дейилади Президентимиз мактубида.

Муборак ёшга етган онахонга Йўлбошчимизнинг мактуби ва қимматбаҳо эсдалик совғаларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Нарзулла Жўраев топширди.

(ЎзА)

Ҳамкорлик ва фаоллик

Ёшлар — Ватан умиди

Мамлакатимиз раҳбарининг «Туркистон» газетаси мухбири саволларига берган жавоблари кўпчиликни сергаклантирди. Хусусан, миллий ғоя, эртанги давлат, жамият тақдири, янги асрда маънавий, бош ғоямиз борасидаги фикрлар юртимизда мавжуд сиёсий қатлам ва кенг жамоатчилик учун катта сабоқ бўлмоқда.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгашида ана шу мавзу ва ёшлар муаммоларига бағишланган мулоқот бўлиб ўтди. Унда асосан ёшлар вакиллари, ХДП фаоллари иштирок этишди. Мулоқотни вилоят партия кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Фармон Омонов бошлар экан, жумладан, шундай деди:

— Кун тартибидаги масалалар бошқа-бошқа бандлардан иборатдек бўлса-да, аслида эса мазмунан бир-бирига боғлиқ бўлган жиҳатлардир. Сизларга яхши маълумки, мамлакатимиз раҳбарияти ёшларга жуда катта умид боғлаганлар. Чунки, Ўзбекистоннинг эртасини уларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Ана шу маънода биз ҳам сафларимизни ёшлар билан тўлдириб бормоқдамиз. Вилоят ХДП ташкилотларида 39367 аъзо бўлиб, унинг 8655 нафарини ёшлар ташкил этади. Ўтган йили партиямиз сафи яна 2002 кишига кўпайди. Уларнинг 1147 нафари 30 ёшгача бўлганлардан иборат.

Биринчи котиб шу ўринда вилоят ХДП ташкилотлари қошида фаоллик кўрсатаётган ёшлар клуби тадбирлари ҳақида тўхталди. Ва бу борада Қарши шаҳри, Шаҳрисабз, Қарши туманларида олиб борилаётган ишларни эътиборга лойиқ, деб топди.

— Аввалambор, «айрим мафкуравий таҳдидлар» ёшларимиз онгига, кайфиятига ўз таъсирини ўтказа олмайди, дея кафолат беролмаймиз. Буни Юртбошимиз ўта зийраклик билан илғаганлар, деди Қарши Давлат дорилфунуни «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази раҳбари Музаффар Ражабов. — Ислом дини муқаддасдир. Аммо айрим ёвуз кучлар эса уни сиёсатлаштиришдан ҳам тоймаяптилар. Менда бир фикр бор. Қонунда бундай кўриниш-ларга нисбатан қаттиқроқ жазо тайин этиш керак.

Мулоқотда Баҳористон туман ёшлари вакили сифатида иштирок этаётган Асрор Абдиев қуйидаги мулоҳазаларни билдирди:

— Умуман партия ва бошқа жамоат ташкилотларининг ёшлар билан ҳамкорлиги анча вақт ўтдики, яхши самара бераяпти. Бироқ, ушбу ҳамкорликни янада олдинроқ бошлаш мумкин эди. Хусусан ёшларнинг ижтимоий ҳимояси борасида амалий иш қилмоқ зарур. Айниқса, ёшлар орасида ишсизлар сони ўсиб бораяпти. Тўғри, ёшлар клублари фаолият кўрсатмоқда. Бироқ буларнинг барчасида ҳам иш кўнгилдагидай эмас-да. Яна бир нарса. Ёшларни эркин фикрлашга чорлайдиган омиллардан бири эркин мулоқотдир. Тўғриси, негадир кейинги вақтларда бундай тадбирларга панжа орасидан қараляпти. Зотан, эркин, қарама-қарши фикрлар ўзига хос ижтимоий-сиёсий муҳитни яратади.

Вилоят «Нуроний» жамғармаси раиси, Олий Мажлис депутати Соиб Усмонов шундай деди:

— Ёшлар бизнинг умидимиз. Мен истардимки, ёшларимиз янада эътиқодли, собитқадам бўлишса. Зотан, юртга муҳаббат эътиқоддан бошланади. Демак, аввало, ёшларда шу нарсани шакллантириш керак. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, янги асрда маънавият соҳасидаги энг асосий вазифамиз ҳам шу сингари мезонлардан иборатдир. Албатта, бу аввало ўқув юрти раҳбарлари-ю, маҳалла оқсоқолларидан бирмунча қийинчиликларни, изланишларни бошдан кечиришни тақозо этади...

Шунингдек, мулоқотда республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси вилоят бўлими раиси, Олий Мажлис депутати Боймурод Юсупов, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгаши қошидаги ёшлар клуби раҳбари Долли Аллаев, Қарши шаҳридаги 34-ўрта мактаб директори Мамлакат Қодирова, Қарши шаҳар «Камолот» жамғармаси раиси ўринбосари Шерзод Йўлдошев ва бошқалар ўз фикрлари билан фаол иштирок этишди.

Илҳом КАРОМОВ

Шукроналик

истиқлол одимларидан руҳланиш туйғусидир

Миллат ва маънавият

Инсоният тарихида буюк янгиланишлар бўлаётган, бўлган воқеа-ҳодисалар таъсири кишиларда табиат ва жамиятдаги ўзгаришларни англаб етиш имкониятлари зуҳур этила бошлаган даврдан эътиборан уларда ўзига хос, қилаётган ишларидан ҳамда кечмишлар жараёнидан қониқа билиш, шукроналик ҳисси шакллана борган. Бу, даврлар ўтиши билан кишилар мафкурасида, дунёқарашида ижтимоий тараққиётнинг халқ манфаатига мослиги даражаси билан уйғунлашиб инсонларнинг ахлоқий фазилати сифатида ўз ўрнига эга бўлиб борган.

Шукроналик — бирор бир ижобий мақсадга эришганлик, етишганлик эвазига билдириладиган мамнуният, хурсандлик, миннатдорчилик, ташаккур, тақдиридан, айни пайтдаги аҳволу руҳиятидан маълум бир муддатга қониқа олиш туйғусидир. Бу ҳиссиётга муносабатни ташаккур, раҳмат, миннатдорчилик, розилик каби сўзлар билан ифодалаш мумкин. Унинг антиподи сифатида киборлик ва такаббурликни мисол сифатида кўйса бўлади. Киборлик эса, айрим шахсларгагина хос иллатдир. Аниқроғи, «Киборлик бу кирлик, кирни эса одатда ювиб ташлайдилар». «Бирни кўриб шукр қил, мингни кўриб фикр қил». Халқимиз сўз бойлигининг, ўз мамнунлик ифодасини изҳор қилиш борасидаги ҳокисор мулозаматининг нақадар бойлиги кўриниб турибдики, шукроналик миллатимиз қон-қонига сингиб кетган ажойиб ва беназир фазилатлардан биридир. Унинг меҳмоннавозлиги, «бир майизни қирқ бўлиб ейиш»дек саҳийлиги, кўзи тўқлиги ва инсонларга бўлган адолатпешалигининг яна бир кўринишидир. Табиатдан берилган инъомга қаноат ва уни янада бойитишга бўлган хайрли муносабат атроф-муҳитга қўйилган саъй-ҳаракатидаги кўнгил руҳиятининг софлигидан далолатдир.

Шукронликни алоҳида шахс ва умумий нуқтаи назардан, халқ мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Шахсда бу фазилат жозиб характерга эга бўлса, халқ тимсолида умумийлик-ижтимоийлик хусусияти устун туради. Аксарият ҳолларда шахс ўзининг жамиятда ўрни борлиги, унга кераклиги, оиласи баркамоллиги, фарзандларининг комиллиги нуқтаи назаридан шукроналар айтса, халқ жамият тараққиётининг кун сайин барча жабҳаларда ижобий хусусиятларининг шаклланиши ва ривожланишига, бу ютуқлар ортида шу мамлакат буюк шахслари ҳамда фуқаролари турганлиги, жаҳон ҳамжамиятида шу диёрнинг мустаҳкам мавқеи борлигига шукроналар айтади. Мустақил тараққиётнинг шундайин холис, улуғвор шукроналик кайфиятини халқимизга инъом этди. Худди шу моҳият шукроналикнинг мустаҳкам асоси борлиги, унинг ҳаётбахшийлиги-оптимистик уйғунлигининг намунасидир. Бу айни ҳақиқатдир. Лекин мустақиллик осонлик билан қўлга киритилган эмаслиги барчага аён. Халқ шукроналигининг муҳим ва жиддий томони ҳам ана шунда. Негаки, бу кураш йўлида қанчадан-қанча талофатлар берилди, шу йўқотишлар эвазига халқнинг эркин тараққиёти юзага келди. Буни унутиб бўладими. Асло. Бугунги шукроналикнинг замирида шундайин бир қудрат ётадики, бу қудрат кишиларни яратувчанликка, ижодкорликка, Ватан учун фидокорликка, келажак жамият пойдеворини мустаҳкам қуришга чорлайди ва рағбатлантиради.

Шукроналик бу бир жойда тўхтаб қолиш деган гап эмас. Юқорида таъкидлаганимиздек, у кишиларни ижодкорликка, яратувчанликка, ахлоқий покликка, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга содиқлик ҳамда уни янада бойитишга, сайқаллашга чорлайди, илҳомлантиради. Халқимизнинг тарихан шаклланган ва барқарорликка эришган бой маънавий-маданий мероси бунинг асосий пойдевори бўлиб хизмат қилади.

Бу борада Президентимиз, ҳукуматимиз шаҳару қишлоқларимизнинг обод ҳамда кўркам бўлишида, жамиятимиз ахлининг моддий-маънавий фаровонлигини янада яхшилаш мақсадида жуда кўплаб тадбирлар режасини ишлаб чиққан. Уларни бевосита амалга ошириш нафақат шу соҳа мутасаддиларининг иши, у шу заминда яшовчи, унинг барча ҳуқуқларидан, имкониятларидан баҳраманд бўлувчи ёшдан тортиб то кексагача бўлган, ижтимоий тараққиётда тутган ўрнидан қатъий назар барча Ўзбекистон фуқароларининг умум вазифасидир.

Бугунги кунда халқ-миллат шукроналигининг энг юқори намунаси мустақиллик ва мустақил тараққиёт ютуқларининг неъматларидир. Шукроналикнинг бундайин назму наволарини инсоният яшаши учун зарур бўлган барча жабҳаларда кўришимиз, ҳис ва идрок қилишимиз мумкин. Мустақил тараққиёт шукроналигини Аллоҳга шукр қилиш билан бир ўринга қўйса, қиёсласа бўлади. Негаки, Ватан туйғуси, унга муҳаббат, содиқлик, сабр-қаноат ва мумтозлиги, фарзандлик бурчи кишиларимиз, миллатимиз шуурида, қонида доимо уфуриб турганлиги бежиз эмас.

Халқ шукроналиги бевосита маънавий тараққиётнинг меваси бўлсада, у моддий йўналиш билан ҳам узвий боғлиқдир. Кишиларнинг ўз меҳнатларидан бироз бўлсада қониқиш ҳосил қилиши, унга бутун борлиғи билан берила олиши аксарият ҳолларда хоҳ ижобий, хоҳ салбий бўлсин бекўсур натижага, ундан келадиган манфаатларга боғлиқки, бу кишилардаги юзага келадиган қониқиш, мамнунлик, асосийси шукроналик ёки аксинча, афсус-надоматларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Бунгунги кунда бозор иқтисодиёти ижтимоий тараққиётимизнинг асосини ташкил этади. Кўзланган мақсадимиз ҳам айнан шунга қаратилганлиги барчага аён. Лекин, бозорни очкўзлик эмас, маънавиятнинг маданийлашган шарқона муносабатларини бошқариш керак. Шундагина бозор маънавияти ва иқтисодий манфаатдорлик ўзларининг ҳақиқий қиёфаларини кўрсатади. Бу ўз навбатида ижтимоий тараққиётни юксакликка олиб чиқишда муҳим роль ўйнайди. Ушбу, ҳамма учун баробар ижобий ҳолат ўз барқарорлигини топгунига қадар давлатнинг қаттиқ ва кучли назоратида бўлиши кўпгина ривожланган мамлакатлар мисолида маълум. Хусусан, ҳукуматимиз мазкур соҳада собитқадамлик билан ҳаракат қилмоқдаки, бу борада қисқа муддатда юксак муваффақиятларни қўлга киритишимизнинг боиси ҳам шунда. Айни манзара халқ шукроналигини юзага келтиришнинг яна бир муҳим йўналишидир.

Бундан ташқари шундай муаммони ижобий ҳал қилиш бевосита меҳнаткашларнинг эркин ҳаракат қилиш, меҳнат қилиш имкониятларининг мавжудлигига ҳам боғлиқ. Бизнинг мамлакатимизда эса, меҳнат аҳлига ҳудди фикримизга мос равишда шароит яратилган ва уни такомиллаштириш борасида жуда кўплаб ишлар амалга оширилиши режалаштирилган. Бу Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси билан ҳимояланган. Унинг 37-моддасида «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир», — деб кўрсатилади.

Халқимиз айтганидек, «Оиланг тинч-кўнглинг тинч. Кўнглинг тинч, меҳнатинг тинч» Бу дегани меҳнат унумдорлиги сифати ошиши ва халқ холис шукроналиги юзага келишининг асосий негизларидан бири бўлиб ҳисобланишига ишорадир. Шунинг учун ҳам юртимиз раҳбарининг раҳнамолигида давлатимиз томонидан оил йилида ва бундан кейин ҳам оилаларнинг ҳар жиҳатдан фаровонлигини ошириш, осойишталигини мустаҳкамлаш ишларига жуда катта эътибор қаратилган.

Яна бир халқ шукроналигининг асосларидан бири, ҳукуматимиз томонидан ёш авлодни ўқитиш-билим бериш, тарбиялаш масканларини ислоҳ қилиш, замонавийлаштириш ва уни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлашда кўринади. Бу борада давлат муассасалари билан бир қаторда турли хил жамоат ташкилотларининг юзага келтирилиши айниқса қувонарли воқеадир. Биргина «Умид» ёки «Устоз» жамғармалари орқали қанчадан-қанча юртимиз вакиллари ўз билим ва малакаларини чет мамлакатларда, жаҳон андозалари даражасида, бойитиб келмоқдалар. Шу хусусда Президентимизнинг беқиёс хайрихоҳлик ва жонбозлик кўрсатиши бу борадаги давлат сиёсатининг собитқадамлигидан ҳамда билимдон ёшлардан жиддий ижобий натижалар кутаётганлигидан далолат беради.

Булар барчаси шукроналикнинг мустаҳкам асосларидан ҳисобланган халқимизда келажакка ишончини, мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшишга бўлган интилишини, энг асосийси унинг шу Ватан — Ўзбекистон фуқароси эканлиги билан фахрланиш туйғусини, ғурурини янада оширади ва мустаҳкамлайди. Бунга барчанинг ишончи комиллигига шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Зеро, диёримиз билан йирик-йирик ривожланган давлатларнинг ҳамкорлик қилиши Президентимиз етакчилиги асосида халқимизнинг тўғри йўлдан бораётганлигини изоҳлайди ва кучига куч, қудратига қудрат қўшиб илҳомлантириш билан бирга халқ шукроналигининг бетимсол қиёфасини намоён этади.

Ўрол АБИЛОВ
фалсафа фанлари доктори, профессор

Вулқон ўрнида олтин ва кумуш

АҚШ ва Япония олимлари Токиодан 400 километр узоқликдаги сувости вулқони кратерида олтин ва кумуш заҳиралари мавжудлигини аниқлади. Тахминларга кўра, ҳар бир кон икки миллиард АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда.

Табиий хазина 1220 метр чуқурликдаги сейсмик фаол маконда қидирув ишларини олиб бораётган «Синкаи-2000» сувости кемасининг халқаро экипажи томонидан аниқланган. Кратердан олинган намуналар текширилганда, бир тонна қазилмада 20 грамм олтин мавжудлиги маълум бўлган. Бу қуруқликдаги олтин конларининг ўртача кўрсаткичидан 40 марта юқоридир, дейишмоқда мутахассислар.

Мамлакатдан чиқариб юборилди

Венгрия маъмурлари 26 нафар неонацистларни мамлакатдан чиқариб юборди. Уларнинг асосий қисмини германиялик ёшлар ташкил этади.

ҒФР ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари маълумотларига қараганда, немис неонацистлари ўзларининг венгриялик ва австриялик ҳамфикрлари билан биргаликда «СС қўшинлари хотира марши» йиғилишини ўтказиш учун Будапештга келган. Венгрия полицияси ушбу йиғилишнинг 34 нафар иштирокчисини қўлга олди. Хорижлик қатнашчилар мамлакатдан чиқариб юборилди. Шунингдек, улардан неонацистлик ғояларини тарғиб қилувчи катта миқдордаги ҳар хил адабиётлар тортиб олинган.

Қўздан ғойиб бўлишди

Гватемала полицияси ходимлари нархи «қора бозорда» 18 миллион АҚШ долларига тенг бўлган наркотик моддани қўлга киритди. Уларнинг айтишига қараганда, Гватемала пойтахтида шубҳали юк машинасини текширувдан ўтказиш натижасида 648 килограмм кокаин топилган, контрабандачиларнинг ўзлари эса қўздан ғойиб бўлишга улгурган. Полиция ходимлари юк етказилиши мўлжалланган манзил қайд этилган ҳужжатни қўлга киритиб, у ердан ҳам 577 килограмм кокаин топишди.

Номзодни отиб кетишди

Таниқли сиёсий арбоб, миллий конгресс депутати Хайме Уртадонинг фожиали ўлими муносабати билан Эквадор ҳукумати мамлакатда уч кунлик мотам эълон қилди.

Маълумки, мухолифатдаги Халқ демократик ҳаракати партияси етакчиларидан бири бўлган, президент сайловига ўз номзодини қўйган Х. Уртадо ва унинг икки нафар шахсий соқчиси мамлакат пойтахти Китода отиб кетилган эди.

Кузатувчиларнинг фикрича, таниқли мухолифат етакчисининг ўлими сўнгги вақтларда ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатига қарши оммавий иш ташлаш ва намойишлар сони ортиб бораётган бир шароитда мамлакатдаги вазиятни янада мураккаблаштириши мумкин.

Авесто

Биз жаҳон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўҳна Хоразм заминида «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади.

Ислом КАРИМОВ

Иккинчи Фаргард
Биринчи бўлим

1 Зардушт Аҳура Маздадан сўради:

«Эй, Аҳура Мазда! Эй оламлар нури! Эй, яхшилик дунёсини яратгувчи! Эй, Ашаван![30]

Сен — Аҳура Маздасан, мен — Зардуштман. Сўйла-чи, мендан бошқа одамлар ичидан яна кимдан ҳол-аҳвол сўрдинг!

Кимга Аҳура ва Зардушт динини ошкор қилдинг?»

2 Аҳура Мазда жавоб берди:

«Эй, Ашаван Зардушт!

Мен — Аҳура Мазда — сен — Зардуштдан ташқари одамлар орасидан биринчи бўлиб қўёш юзли, яхши сулувлар соҳиби Жамдан[31] ҳол сўрдим ҳамда Аҳура ва Зардушт динини унга ошкор қилдим».

3 «Эй, Зардушт!

Мен — Аҳура Мазда — унга дедим:

Қулоқ сол, эй Вайвангҳоннинг ўғли, қуёш юзли Жам!

Сен жаҳонда менинг динимдан огоҳ этгувчи ва динимни элитгувчи бўл!

Эй, Зардушт!»

Шунда қуёш юзли Жам менга жавоб берди:

«Мен жаҳонда сенинг динингдан огоҳ этгувчи ва дилингни элитгувчи бўлиб туғилмадим ва ўрганмадим!»

4 Эй, Зардушт!

Шунда мен — Аҳура Мазда — унга дедим:

«Эй Жам!

Агар менинг динимдан огоҳ этгувчи ва динимни элитгувчи бўлмасанг, унда менинг жаҳонимга кенглик бахш айла. Менинг жаҳонимни ардоқла, жаҳон аҳлига пешво ва асрагувчи бўл!»

5 Эй, Зардушт!

Шунда қуёш юзли Жам менга жавоб берди:

«Мен сенинг жаҳонингга кенглик бахш этаман. Мен сенинг жаҳонингни ардоқлайман. Жаҳон аҳлига пешво ва асрагувчи бўламан!

Менинг салтанатимда на совуқ бод, на иссиқ бод, на касаллик ва на ўлим бўлади».

6 Шундан сўнг, мен — Аҳура Мазда — унга туҳфа тақдим этдим: бири — заррин «сувра»[32], иккинчиси зарнишон «аштра»[33].

7 Шундай қилиб Жам менинг шаҳриёрим бўлди.

Миллат ва тарих

16 Мен — Аҳура Мазда — яратган ўн иккинчи сарзамин ва гўзал юрт уч баҳодир ҳукмрон бўлган Райдир.

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, хусуматдан суст эътиқодлилик гуноҳини яратди.

17 Мен — Аҳура Мазда — яратган ўн учинчи сарзамин ва гўзал юрт қудратли ва пок Чахрадир[23].

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, хусуматдан «мурдор ёқгувчилар»нинг[24] кечирилмас гуноҳини яратди.

18 Мен — Аҳура Мазда — яратган ўн тўртинчи сарзамин ва гўзал юрт Аждаҳони мағлуб этган Фаридун[25] дунёга келган тўрт гўшали Варинадир[26].

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, «бемаҳал ҳайз кўрган аёллар қонини» ва ёт ҳукмдорлар асоратини яратди.

19 Мен — Аҳура Мазда — яратган ўн бешинчи сарзамин ва гўзал юрт «Ҳафтруд»дир[27].

Шундан сўнг, бутун борлиғи ажал билан йўғрилган Аҳриман келди-да, «бемаҳал ҳайз кўрган аёллар қонини»[28] ва қатиқ иссиқликни яратди.

